



XASR



ЎТМОЙ-
СИЙОСИЙ
ҒАЗЕТА

Ғазета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI
— O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI
NASHRI



КОНЦЕПЦИЯДА 10 ДАН ОРТИҚ
ЯНГИ ҚОНУНЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ УСТУВОР ВАЗИФА
СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАН, ЭНГ
АВВАЛО, O'ZLiDeP ЗИММАСИГА
АЛОХИДА МАСЪУЛИЯТ
ЮКЛАЙДИ



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ
ЧОРАГИДА КИЧИК БИЗНЕС
СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
УЧУН БУХОРО ВИЛОЯТ ТИЖОРАТ
БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН 39,1
МИЛЛИАРД СўМ МИҚДОРИДА
КРЕДИТЛАР ЙўНАЛТИРИЛДИ



ЯҚИН 10 ЙИЛДА НАРХ-НАВОНИНГ
ЎСИШИ, АЙНИҚСА, НЕФТЬ
НАРХИНИНГ КўТАРИЛАЁТГАНИ
ЎғИТДАН ТОРТИБ, ҚАЙТА
ИШЛАНАДИГАН МАХСУЛОТЛАР
НАРХИНИНГ ҚИММАТЛАШУВИГА
ҲАМ ОЛИБ КЕЛАДИ

2011 йил 19 май, пайшанба
20 (392)-сон,
E-mail: axborotXlasr@yahoo.com


3 КОНЦЕПЦИЯ

5 ИҚТИСОДИЁТ

7 ХАЛҚАРО
ҲАЁТ

Ўзбекистон-Ҳиндистон: Ўзаро ҳамкорлик ва тенгликка асосланган узоқ муддатли стратегик шериклик

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
ҲИНДИСТОНГА ДАВЛАТ
ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2011 йил 17-18 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

Ҳиндистон томонининг ташаббусига биноан ушбу ташрифга халқаро тажрибадаги энг олий — давлат ташрифи мақоми берилди. Бунда икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражада ривожланиётгани, шу билан бирга, Ўзбек ва Ҳинд халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик алоқаларининг кўп асрлик қадим илдизлари инobatта олинган.

Ҳиндистон ноёб тарихга эга, юртимиз билан азалий ва мустақам маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар, энг муҳими, самимий дўстлик ришталари билан боғланган мамлакат сифатида яхши маълум.

Ўзбек ва Ҳинд халқларининг тарихи, адабиёти, мусиқаси, тасвирий санъати ва меъморчилигида ҳам муштарак жиҳатлар кўп. Уларнинг бир-бирини яқиндан билиши, маданиятини ўзаро бойитиши кўп жиҳатдан буюк аждоғимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ.

Ташрифнинг расмий қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шарафига Ҳиндистон Президентининг «Растратати Бхаван» саройи олдидаги майдонда ўтказилган тантанали кутиб олиш маросими билан бошланди. Ўзбекистон раҳбарига олий даражада иззат-икром кўрсатилди.

Шу ернинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон Президенти матбуот учун қисқача баёнот бериб, саммитнинг юксак савиясини намоён этувчи ушбу давлат ташрифидан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар ҳақида сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболни танқидий таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлади. Иккинчи муҳим жиҳат — мамлакатларимизни бир хилда таъшивлантираётган ва қизиқтираётган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамасидир. Учинчидан, ишга солинмаётган имкониятлардан фойдаланиш, сиёсий, иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қўламини кенгайтириш орқали Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларига янгича суръат бахш этиш.


Ташриф расмий қисмининг дастлабки воқеаси Бош вазир Манмохан Сингх билан тор доирадаги учрашув бўлди. Унда икки мамлакат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболни атрофлича муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларига доир кенг қўламли масалалар, шунингдек, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги самарали ҳамкорлик юзасидан ўзаро ишонч ва очиқлик руҳида фикрлашди. Ўзбекистон Ҳиндистоннинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибига доимий аъзо бўлиш борасидаги интилишларини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

2 >>>



БУТОҚ ВА МУҚАДДАССАН,
МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Истиқлолнинг 20 йиллигига 20 мингта иш ўрни яратамиз

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН 2011 ЙИЛНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА 100 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИШ КўЗДА ТУТИЛГАН БўЛИБ, O'ZLiDeP АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА ДАСТУРДА БЕЛГИЛАНГАН ДАВЛАТ ТАШҚАРИ ЯНА 20 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИШ ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚДИЛАР

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўриляётган шу кунларда O'zLiDeP ўз фаолиятининг барча йўналишларида ана шу муҳим сиёсий сана-

ни реал натижалар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Бу борода жамият ҳаётида улкан аҳамият касб этаётган демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш, тобора сафлари кенгайиб бораётган ўрта қатлам

имкониятларини ошириш, мамлакатимиздаги туб ўзгаришларнинг таянчи ва суянчи бўлган мазкур синф вакиллари-нинг фаолияти самарали бўлиши учун янада кенгроқ йўл очишга ҳаракат қилинмоқда.

Андижон вилоятининг кундан-кунга ривожланишига, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам саноат, савдо ва маиший хизмат тизими замонавийлаштиришга ўз ҳиссасини қўшаётган тадбиркорлар ҳақиқатан ҳам дав-

лат ва жамият олдидаги масъулиятни ҳис этиб, хусусий сектор вакиллари учун яратилаётган қулай шароитлардан унумли фойдаланмоқдалар.

2 >>>

Юзма-юз мулоқот самараси

O'ZLiDeP ВА МАРКАЗИЙ БАНК ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҚАМ ТАЯНЧИ» МАВЗУИДАГИ ТУРКУМ СЕМИНАРЛАР НАТИЖАСИГА КўРА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕР ҲАМДА БИТИРУВЧИ ЁШЛАР УЧУН 7 МИЛЛИАРД СўМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ



Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга бағишлаб ўтказилган мазкур лойиҳа партия ва банк ҳамкорлигидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди, дейиш мумкин.

— Президентимиз Концепциясида 17 та янги қонун, 7 та амалдаги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш, шунингдек, 19 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан аниқ тақлифлар билдирилди. — леди матбуот анжуманида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадсўф Тешабоев. — Бу эса қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги соҳасида кенг миқёсда фаолият олиб боришимизни тақозо этади. Шу-

нингдек, Концепция, ўз навбатида, демократик бозор ислохотларини янада либераллаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришнинг юқори суръатлари ҳамда бу боралаги натижаларни янада мустақамлаш ва ривожлантиришга қаратилгани ҳамда навбатдаги вазифаларни белги-

лаб бергани билан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу маънода мазкур лойиҳа доирасидаги мулоқотлар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудлари ҳисобланмиш Қўрғонтепа, Чуст, Фурқат, Пайарик, Бахмал, Нишон, Бойсун, Томли, Бўка, Эллиққалъа, Гурлан ва Қоғон туманларида ўтказилгани бежиз эмас. Мақса-

димиз ана шу ҳудудлардаги электротизим вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар ўтказиш баробарида улар фаолиятига оид муаммоларни ўрганиш ва имкон даражасида уларга кўмак бериш эди. Бунга муайян даражада эришдик ҳам.

2 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

ИНКОР ЭТИШ «САНЪАТ»И

АЙРИМ ПАРТИЯ НАШРЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН МАҚОЛАЛАР АНА ШУ СИЁСИЙ КУЧЛАРНИНГ ҲАЛИГАЧА ЭСКИЧА ҚАРАШЛАРДАН ВОЗ КЕЧА ОЛМАЁТГАНЛИКЛАРИНИ КўРСАТМОҚДА

06 >

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲДПНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ҚАРАШЛАРИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР O'ZLiDeP УЧУН ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА БўЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ. ЧУНКИ МАМЛАКАТДА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ЎРТА СИНФНИНГ ЯНАДА МУСТАҚАМ ОЁҚҚА ТУРИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚДИР.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 17 МАЙДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↓ 1792,14	1 АҚШ доллари	↑ 1699,52	1 Хитой юани	↑ 261,21	1 Туркия лираси	↓ 1064,40	1 Япония йенаси	↑ 210,08
1 Англия фунт стерлинги	↓ 2749,65	1 Миср фунти	↑ 286,45	1 Малайзия рингити	↓ 559,79	1 Швейцария франки	↓ 1904,86	1 Россия рубли	↓ 61,02
1 Дания кронаси	↓ 321,23	1 Исландия кронаси	↓ 14,69	1 Польша злотийси	↓ 608,69	1 ЕВРО	↓ 2428,53	1 Украина гривнаси	↑ 213,01
1 БАА дирҳами	↑ 462,73	1 Канада доллари	↓ 1753,71	1 СДР	↓ 2710,29	1 Жанубий Корея вони	↓ 15,55		

Ўзбекистон-Ҳиндистон:

Ўзаро ҳамкорлик ва тенгликка асосланган узоқ муддатли стратегик шериклик

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Музокарада икки томонлама, минтақавий ва глобал даражадаги деярли барча масалалар бўйича ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам тенг ҳуқуқлилик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш асосида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Томонлар қўшни Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиб, ушбу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик қарор топиши муҳим аҳамиятта эга эканини таъкидладилар. Zero, бу нафақат минтақавий ҳамкорлик учун улкан имкониятлар яратди, аяни пайтда Ҳиндистон ва Ўрта Осиё бозорлари ўртасидаги масофани қисқартирадиган иқтисодий фойдали йўналишларни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам хизмат қилди.

Шу нуқтага назардан қараганда, янги «Ўрта Осиё-Форс кўрфаз» ва Трансафғон йўналиги ерусти транспорт коридорларининг шакллантирилиши туфайли юзга келадиган имкониятларга қизиқиш ортиб бормоқда. Президент Ислоҳ Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингхнинг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокарада ҳам шу ва бошқа масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Олий даражадаги музокарада савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий юкори суръатларда ўсётган Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун икки томонлама товар айирбошлашининг бугунги ҳажми қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Ҳиндистон компанияларининг улар ўзлари илгор технологияли соҳага эга бўлган тармоқларда сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлайди. Шу маънода «Спентекс Индустри» компанияси билан ҳамкорлик муваффақиятли шерикликка яхши мисолдир. Ўзбекистон тўқимачилик санаятига йирик микдорда сармоя киритаётган компаниялардан бири бўлган «Спентекс Индустри» билан ҳамкорликда пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фармацевтика компанияларида, нефть-газ соҳаси ва кимё санаятида ҳам талай йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари Навоий шаҳри аэропортидаги қитъалараро интермодал хабда очилмаётган имкониятларга қизиқиш билдирмоқда. Транзит юклар ва туристлар маскани бўлган бу хаб Европа, МДХ, Яқин Шарқ мамлакатлари ва дунёнинг бошқа минтақаларига оптимал мудатларда ўзаро юклар ташлишини таъминлайди. Ҳозирги кунда ушбу халқаро хабдан жаҳоннинг етакчи транзит нуқталарига, жумладан, Ҳиндистоннинг Дехли ва Мумбай каби санаят марказларига мунтазам равишда қат-

новлар амалга оширилмоқда.

Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишларидан бири сифатида ахборот технологиялари соҳасини, биринчи галда, Ҳиндистонлик мутахассислар ҳақи равишда дунёда етакчи ўрин тутадиган дастурий маҳсулотлар ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқариш, масофали таълим ва бошқа тармоқларни қайд этдилар. Шу маънода беш йил муқаддам Тошкентда очилган Жаҳоҳарлавл Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази оммавийлашиб бораётгани таъкидланди. Бу ерда ёш мутахассислар энг илгор усуллар бўйича таълим олмақда, дастурлашнинг замонавий тамойиллари кенг жорий қилинмоқда.

Ташриф доирасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Ҳиндистон саяёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида имзоланган «Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича саяёҳаракатлар дастури» сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида манфаатлар муштарақлигини тасдиқ бўлди.

Илмий-техникавий ҳамкорлик борасида кенг имкониятлар мавжуд экани қайд этилди. Ўзбекистонлик олимлар ва илмий марказлар вакиллари физика, биотехнологиялар, материалшунослик, қуёш энергетикаси, лазер технологиялари, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш каби соҳаларда Ҳиндистонлик ҳамкасблари билан қўшма тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа олий мартабали раҳбарлари — Президент Пратибха Патил, Вице-президент, Парламентнинг юкори палатаси Спикери Ҳамид Ансари, ташқи ишлар вазири Соманхалли Малайя Кришна билан учрашиб, самарали музокаралар ўтказди. Ҳиндистон протоколига биноан Парламент қўйи палатасидаги муҳолиф етакчиси Сушма Свараж билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистон раҳбари Маҳатма Ганди ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди ва бутун умрини миллий озодлик курашига бахшида қилган ҳинд халқининг буюк фарзанди хотирасига ҳурмат бажо келтириб, гулчамбар қўйди.

Умуман, музокаралар қатнашчилари ҳамда Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифини ёритган Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ходимлари эътироф этганларидек, олий даражадаги Ўзбекистон-Ҳиндистон мулоқоти, имзоланган узоқ истиқболга мўлжалланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорлик ривожига кучли суръат бахш этиш учун яхши замин бўлиб хизмат қилди.

Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнотда таъкидланганидек, икки томонлама муносабатлар тенглик ва ўзаро ағлашув тамойиллари асосидаги

узоқ муддатли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Стратегик ҳамкорлик кенг қўламли йўналишларда, жумладан, сийёсат, иқтисодий, терроризмга қарши кураш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини, илм-фан ва технологияларни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштиришни назарда тутди.

Ташриф асосида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик доирасида ёқилги энергетикаси, ахборот технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, банк соҳаси ва савдо-сотикни ривожлантириш борасида алоқаларни тубдан кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўттиздан зиёд, жумладан, Ҳиндистоннинг етакчи «Ойл энд начурал гэз корпорейшн» нефть-газ компанияси билан ҳамкорликда углеводород захираларини излаш, разведка қилиш ва ўзлаштиришга, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси оптик толали кабель ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни, субстанциялар ва турли тиббий дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Етакчи йирик тўқимачилик компаниялари билан пахта, ипак ва тери хомашёсини чўқур қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар савдоси бўйича ҳужжатлар имзоланди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида смартфонлар, планшетли компьютерлар ва интернет-приставкалар, шунингдек, қуёш-гибрид технологиялари асосида электр таъминоти манбалари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Имзоланган ҳужжатлар кимё соҳасида ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистоннинг Экспорт-импорт банк ўртасида узоқ муддатли имтиёзли шартлар билан кредит линияси тақдим этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ минерал ўғит ва бошқа стратегик товарларни йирик микдорда ва узоқ муддатли асосда етказиб бериш ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифиди асосида имзоланган иқтисодий соҳага оид ҳужжатларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Томонларнинг умумий эътирофига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифиди якунлари, ўтказилган музокара ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларнинг, ҳамкорликнинг барча йўналишларида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик шериклик тамойилларига асосланган янги босқичи учун мустақкам замин бўлади.

(Ўза)



Истиқлолнинг 20 йиллигига 20 мингта иш ўрни яратамиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

О'zLiDeP Андикон вилоят кенгаши фаоллари ўзларининг навбатдаги ташаббуслари билан яна бир қарра мамлакатдаги барча партия аъзоларини Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилиш ва ислохотларга жуда катта масъулият билан ёндашишга чақирдилар.


Партия фаолларининг таъкидлашларича, жаҳон модиявий инқирози туфайли дунёнинг қўллаб-қувватлашга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтирди.

— Биз — ислохотлар тақдир учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия аъзолари ана шу жараёнларда янада фаол иштирок этишимиз керак. Бугун Андикон вилоятида О'zLiDeP аъзолари сони 11300 нафарга етди. Уларнинг 2700 нафардан ортиги тadbиркорлар, 1900 нафарга яқини фермерлардир. Бу — жуда катта куч. Ундан самарали фойдаланилса, давлат дастуринда белгиланганидан ташқари яна 20 мингта қўшимча иш ўрни яратиш ташаббуси қуруқ сўз эмас, балки реал имконият экани аён бўлади. Албатта, бу мақсад ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун, энг аввало, ёшларнинг тadbиркорлик фаолиятига қизиқишларини кучайтириш, уларга ўз бизнесларини ташкил этиш учун қўлай иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, хотин-қизларнинг касбий маҳоратларини оширишга қўмақлашиш, айниқса, қишлоқ жойлардаги амалий ишларини жонлантиришимиз ке-

эмас, балки амалий ишлар, биринчи навбатда, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳар томонлама қўмақлашни орқали эришиб келмоқдалар.

Шу нуқтага назардан пойабал элими ва шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган корхонамиз ўз даромади ҳисобига 2011 йилда болалар спорт мажмуини қуриб, фойдаланишга топширишни режалаштирмоқда. Бу эса камда 25 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Туманимиздаги «Рубер траст» корхонаси калиш ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу ерда ҳам янги технологик линияни ишга тушириш эвазига 50 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Булар мавжуд имкониятларимизга қиёслаганда денгиздан томчи, холос. Чунки туман тadbиркорларининг ана шундай хайрли ишдан четда турмай, истиқлол байрамига 1300 та қўшимча иш ўрни ташкил этишларига ишонаман.



Илҳом КЕНЖАЕВ, «Фан транс» МЧЖ раиси (Избоскан тумани):

— Мен туманда автомобилларга газ қуйиш станцияси қурилишини якунлаш арасидамман. Хорижий технология асосида бунёд этилаётган ушбу иншоот фойдаланишга топширилиши билан 24 та иш ўрни яратилади. Ён-атрофда ўқув юртларини би-тириб келган ёшлар кўпчилигини ташкил этгани бунга асосан уларни иш билан таъминлашни режалаштираяман. Бу менин-нинг партиямиз ташаббусини қўллаб-қувватлашга қўшган камтарона ҳиссам бўлади.



Бахтиёр ТУРДИЕВ, хусусий тadbиркор:

— Ҳар қандай инсонни унинг амалий ишлари беэйдди, албатта. Мен оддий бир тadbиркор сифатида аяни кунда пишиқ гишт тайёрлаш заводи ва мехмонхона қурилиши билан шуғулланаёяман. Иккала иншоот битта, 47 та иш ўрни очилади. Шаҳримизда мен каби янги иш ўринлари сонини қўпайтиришга бел боғлаган тadbиркорлар — О'zLiDeP

фаоллари кўп. Мазкур ҳаракатининг амалий натижаси нафақат фуқароларни ишга жойлаштириш, балки жойлардаги қўллаб-қувватлаш имконияти ма-салаларини ҳам ижобий ҳал қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳам бу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Азамат АҚРОПОВ, «Адижон ота» фермер хўжалиги раҳбари:

— Аяни пайтда баллиқчиликни ривожлантириш мақсадида Қоралар буйидаги ташландиқ ҳудудда 2 гектарлик ҳовуз ташкил этиламан.

Тadbиркорлар манфаатини ҳимоя қилаётган партия аъзоси сифатида илгари сурилган ташаббусни тўла қўллаб-қувватлаб, йилга 20 тонна лўқман ҳалол етиштириб, эл-юрт дастурхонига тортиқ қилимоқчиман. Баллиқчилик хўжалиги фаолияти йўлга қўйилиши билан яна ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.



Мухаббат ЙЎЛДОШЕВА, «Жавлонбек Фай» хусусий корхонаси раҳбари, халқ депутатлари Қўрғонтепа туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Мен бундан уч йил аввал 6 ишчи-хизматчи билан ўз фаолиятини бошлаган эдим. Ҳозир корхонамизда 20 киши меҳнат қилапти. Цехларда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Модернизациялаш ҳисобига фаолиятимизни янада кенгайтириб, қўшимча 30 та иш ўрни яратиш орқали кенгашимиз ташаббусини қўллаб-қувватлайман.

Ушбу фикр-мулоҳазаларни қозғага туширар эканмиз, Андикон вилоятидаги улкан ўзгаришлар кўз ўнгимизда намоён бўлди. Юртбошимизнинг алоҳида эътибори, ҳуқуқимизнинг амалий ёрдами, вилоят мутасаддиларининг ишчи тўғри йўлга қўйганлари, энг муҳими, меҳнатқаш андижонликларнинг ташаббускорликлари мазкур вилоятни том маънодаги янги Андиконга айлантирди. Бутун ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда шу юрт меники, шу вилоят, шаҳар ва туман меники, дея фахрдонамиз тadbиркор, фермер ўз меҳнатидан манфаат қўрапти. Ўқитувчи, тиббиёт ходимининг меҳнати рағбатлантирилмоқда. Андикон шаҳри ва туманларида бўлиб, ўнлаб тadbиркор ва фермерлар, хунармандлар билан суҳбат чоғида буюк ва муқаддас, мустақил Ватан фарзандларининг ташаббуслари истиқлолга шукроналик туйғуси билан йўрилганга яна бир қарра амин бўлди. Бутун вилоят кўчаларига сиймаётган энг сўнгги русумдаги автомобиллар тўқилди ва фаровонликдан нишондир. Қариялар қўли дуола. Ёшлар ташаббускорликда ўз ака-опаларидан қолшимаянтлар. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 41 мингта яқин кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобидан ўтган йилнинг ўзиде салкам 22 мингта янги иш ўрни яратилган, 2011 йилнинг I чорагида янги худудий маҳсулот ҳажмида мулкдорларнинг улуши 51,2 фоизни ташкил этгани янгилаётган Андиконнинг эртаси янада фаровонлигидан далолатдир.

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ишчи ижроси туфайли Андиконда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнлари жадаллашди, ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш эса уларнинг ташқи бозордаги мақсатларини янада мустақкамлаш имконини берди. О'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббус билан мустақкамликимизнинг 20 йиллигига давлат дастуринда белгиланганидан ташқари яна 20 мингта иш ўрни яратиш ҳаракати эса бу боралдаги ютуқлар миқёсини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.



Оттабек МАТИСАЕВ, «Тилдонивестексталь» МЧЖ раиси:

— Қишлоққа санаяти олиб кириш, аҳоли бандлигини таъминлашга қўмақлашиш партия-миз дастурий вазибаларидан бўлгани учун ҳам Жалақудуқ туманининг Қўштепа маҳалласида ишлаб чиқариш цехи ташкил этиб, 25 кишини иш билан таъминлаган эдик. Энди эса вилоят кенгаши ташаббусини қўллаб-қувватлаб яна 25 та иш ўрни яратишга аҳд қилдик.



Дониёрбек КАЗИЕВ, «Интрасервис» фирмаси раҳбари ўринбосари:

— Аҳоли бандлигини таъминлаш Сайловолди дастурини ҳам асосий масала сифатида белгилаб олинган эди. Шундан келиб чиқиб, янги гишт заводи қурилишини бошлаб юборгандик. Ҳозир уни ишга тушириш арасидамиз. Бу 20 та янги иш ўрни денгидир. Ўйлайманки, 20 мингта қўшимча иш ўрни яратиш ташаббуси буюк ва муқаддас Ватанимиз мустақкамликимизнинг 20 йиллигига партия аъзоларининг муносиб тўғнаси бўлади.

Юзма-юз мулоқот самараси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

— Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, хусусий секторнинг ривожланишида яққол кўзга ташланаётганини алоҳида эътироф этиш керак, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Ботир Зарипов. — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур акция тижорат банклари ва ишбилармонларнинг ўзаро алоқаларини мустақкамлашда яна бир муҳим омили бўлиб, ушбу ҳамкорлик бундан буён ҳам давом эттири-лиши лозим.

— Тadbирлар давомиде 500 дан ортиқ ишбилармон ва фермерлар, битирувчи ёшларга тижорат банклари томонидан қарийб 7 млрд. сўмлик кредит олиш ҳуқуқини берувчи серти-

фикатлар топширилди. «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури доирасида соҳага 3 трлн. 863 млрд. сўм, шундан тижорат банклари томонидан 3 трлн. 556 млрд. сўм миқдориде кредит ажратилиши кўзда тутилмоқда, — деди Марказий банк департаменти директори Ақтам Сайфуллаев. Кези келганда шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, 2011 йилнинг ўтган тўрт ойиде О'zLiDeP электорати ҳисобланмиш кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ортиқ, яъни 1,1 трлн. сўмдан зиёдини ташкил этди.

Юкорида таъкидланган акциялар доирасида ўтказилган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ҳам қўллаб ёшлар

эътиборини жалб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўқини тамомлаб, мустақил ҳаёт оstonада турган битирувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ушбу тadbир иштирокчилар ҳаётида ўчмас из қолдирди.

Анжуманда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ақром Алимов сўзга чиқиб, семинар-ўқувларда 1500 нафардан зиёд талаба иштирок этгани, улар мамлакатимиз ёшларининг бир қисмининг таъкил этишини таъкидлади. Бу лойиҳа О'zLiDeP дастурий гоғларини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ўнлаб лойиҳаларнинг биридир.

Матубот анжуманида тadbир ташкилотчилари ОАВ вакиллари саволларига жавоб қайтардилар.



рак, — деди таниқли тadbиркор О'zLiDeP Андикон туман кенгашининг раиси, «Гулсув» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Тохиржон Тодипов, — Шу ўринда Андикон шаҳри, Шаҳрихон, Асака, Избоскан, Жалақудуқ, Олтинқул, Қўрғонтепа ва Андикон туманлари фаоллари энг кўп иш ўринлари яратиш мажбуриятини олганларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шаҳсан ўзим эса ушбу ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Эътироф этиш керакки, сафдошларимиз ўз олдларига қўйилган мақсадларга қуруқ шиорлар билан



Бахтиёр ТУРДИЕВ, хусусий тadbиркор:

— Ҳар қандай инсонни унинг амалий ишлари беэйдди, албатта. Мен оддий бир тadbиркор сифатида аяни кунда пишиқ гишт тайёрлаш заводи ва мехмонхона қурилиши билан шуғулланаёяман. Иккала иншоот битта, 47 та иш ўрни очилади. Шаҳримизда мен каби янги иш ўринлари сонини қўпайтиришга бел боғлаган тadbиркорлар — О'zLiDeP

КОНЦЕПЦИЯ

Сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим

Тизимнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун самарадорлиги шундаки, бу улар фаолиятини молиялаштириш имконини бир неча баробар оширади. Белгиланган шартларни ўз вақтида бажарган мижозга қисқа муддатда кредит олиш учун шароит яратиш эса ўрта синф вакиллари фаолиятини янада мустақамлашнинг асосий омилларидандир.

2005 йилда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компаниялар сони 100 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб, уларнинг сони 241 тага етди.

20 (392)-СОН

2011 йил 19 май, пайшанба

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

Ўрта синф кредит ахбороти алмашинувида эҳтиёж сезмоқда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»НИНГ «ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ» ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА 10 ДАН ОРТИҚ ЯНГИ ҚОНУНЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ҚАТОР ҚОНУНЛАРГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ВАЗИФАСИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАНИ, ЭНГ АВВАЛО, O'ZLiDeP ЗИММАСИГА АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАГАННИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ



Кобилжон ТОШМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Зеро, бир неча ўнйилликларга мўлжалланган тараққиёт тамойилларини ўзида акс эттирган ана шу

ҳужжатдаги устувор йўналишларнинг деярли барчаси партиянинг мақсад ва вазифаларига ҳамоҳангдир. Хусусан, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”-ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам шубҳасиз, молия-банк тизимидаги ислохотлар изчиллигини, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини мутасид ошириб боришни кафолатлаш имкониятини кенгайтиради.

Таъкидлаш жоизки, кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган микрокредит хизматлари кичик бизнес субъектлари, фермерлар ва аҳолининг кенг қатламлари учун ниҳоятда муҳим бўлиб, шу

турдаги хизматларнинг ривожланиши бандлик даражаси ҳамда аҳоли реал даромадлари ошишининг асосий омилларидан биридир. Ўз навбатида, тўлақонли кредит ахборотларининг мавжудлиги кичик бизнесни кредитлашни, банклар, микрокредит ташкилотларга кредит буюртмаларини қайта ишлаш муддатларини қисқартириш ва кредитлар қайтмаслигининг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги “Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тад-

бирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, икки поғонали кредит ахбороти алмашинуви тизими амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Кредит ахбороти миллий институти, Ўзбекистон Банклар ассоциациясида “Банклараро кредит бюроси” бўлиб, улар тижорат банкларининг кредиторлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш билан шуғулланмоқдалар. Кредит ахбороти алмашинуви институти банк-молия соҳасидаги янги тизим бўлгани учун ҳам кредит ахбороти давлат реестри ёки нодавлат кре-

дит бюроси томонидан амалга оширилади.

Кредит бюроси — тижорат ёки нотижорат ташкилоти бўлиб, у қарз олувчи тўғрисида тўла маълумотларни (кредитлар бўйича тўловлар, ноқредит мажбуриятлар, иш тажрибаси ва бошқалар) йиғиши. Бюро ишончли манбалардан (масалан банклардан) ахборот олиб, кредитдорларга тақдим этади. «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши эса мазкур тизим фаолиятини тартибга солиш билан бирга, ўрта қатлам вакиллари фаолиятини янада ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Равиль СОБИРЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

— Айни кунда иқтисодиётимизнинг кундан-кунга ривожланиб бораётгани тижорат банклари ва бошқа нобанк кредит ташкилотлари томонидан тақдим эти-

лаётган кредит хизматлари кўламининг кенгайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Мана шу жараёнда банклар ва нобанк кредит ташкилотлари юзага келиши эҳтимоли бўлган хатарларнинг олдини олишга хизмат қилувчи ахборотларга жуда катта эҳтиёж сезмоқда. Яъни мижоз фаолияти — унинг кредит тарихи, бошқа банклардан қарздорлиги (ёки мазкур қарзлари бўйича ўз мажбуриятларини қай тарзда бажарганлиги), учинчи шахслар кафолати, корхона ва бошқарувчилар малакаси, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида тўлиқ ҳамда ишончли ахборот ҳар иккала томон учун ҳам бирдек муҳимдир.

Бундай маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш учун кўп вақт сарфланади, мижоз эса қисқа муддатда маблағ олишни хоҳлайди. Кредит ахборот алмашинуви тизими бутун дунёда мана шундай зарурат туфайли юзага келган, албатта.

Тизимнинг қарз олувчи, яъни O'zLiDeP электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун самарадорлиги шундаки, бу улар фаолиятини молиялаштириш имконини бир неча баробарга оширади. Белгиланган шартларни ўз вақтида бажарган мижозга қисқа муддатда кредит олиш учун шароит яратиш эса ўрта синф вакиллари фаолиятини янада мустақамлашнинг асо-

сий омилларидандир. Ишончли ва тезкор кредит ахбороти кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, банк тавakkалчиликлари ҳам камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, банклар ва қарз олувчиларнинг молия-кредит интизомини мустақамлайди.

Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, кредит ахбороти алмашинуви тизими молиявий маблағлар ажратилиши тўғрисидаги ижобий қарорлар миқдорини икки бараварга ошириш ҳамда мажбуриятларнинг бажарилиши қўлиш даражасини 40-80 фоизга пасайтиришга ҳам олиб келади. Шу боисдан мазкур соҳада иш олиб бораётган тизимнинг

қонунчилик асосларини яратиш ва уни қабул қилиш долзарб масалалардан биридир.

Айни пайтда Президентимиз Концепциясида илгари сурилган “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси кредит ахборот алмашинуви тизимидаги ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солиш, унинг ҳуқуқий базасини яратиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда битимлар тузишда қатнашаётган манфаатдор томонларнинг кредит ахбороти алмашинувида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратишга қаратилгандир.

Кичик бизнесга катта имкониятлар

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШГА ИМКОН БЕРГАН ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ ТУФАЙЛИ ҲАМ ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИ ҚАРИЙБ 53 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА



Азамат КОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Департаменти директори ўринбосари

Мазкур жараёнда молия-банк тизимида олиб борилган ислохотлар муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, банк қорхоналарининг тижорат банклари балансини ўтказилиши улар фаолиятини қайта тиклаш ҳамда ишлаб чиқариш қувватини оши-

риш имконини берди. Хусусан, тижорат банклари балансинга берилган 159 та ана шундай қорхонанинг 141 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланди, уларнинг 73 таси янги инвесторларга сотилди. Натижада 21 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Эътиборли томони шундаки, фаолияти қайта тикланган қорхоналарда жорий йилнинг I чоратида ишлаб чиқариш ҳажми 115,4 млрд. сўмни ташкил этиб, умумий қиймати 32,6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар экспорт қилинди.

Шу боис кейинги йилларда банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга ажратилаётган кредитлар миқдорини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Биргина жорий йилда мазкур соҳа вакилла-

рига 3 трлн. 863 млрд. сўм кредит ажратиш кўзда тутилгани, уларнинг 3 трлн. 556 млрд. сўми бевосита тижорат банклари, 307 млрд. сўми эса нобанк кредит ташкилотлари ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам соҳага бўлган эътиборни кўрсатади. Бунда асосий эътибор хизматлар ва сервис соҳасини кенгайтириш, аёлларнинг ривожлантиришга, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни янада мустақамлашга оид лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг шу йил 11 март куни эълон қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса тижорат банкларининг им-

тиёзли кредит бериш мақсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакатимизнинг чекка тоғли туманларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу қарор, асосан, банкларнинг мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилаётган кредитлари бўйича оладиган даромадлари 2011 йилнинг I апрелидан 2016 йилнинг I январигача фойда солигидан озод қилинган, бу мазкур жамғарма ҳажминини янада кенгайтириш имконини берган бўлса, иккинчидан, олиш ва бериш қийин бўлган тоғли туманлардаги тадбиркорларимизга саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар

ярати. Ушбу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан жорий йилда 24 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Концепциясида эътибор этилганлидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Мазкур тизимнинг янада мустақамлашиши эса юртимизнинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Бу, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётимиз таянчига айланишига ҳамда Буюк ва муқаддас, мустақил Ўзбекистонимизнинг дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Парламент эшитуви

Дастурий маҳсулотлар инновацион ривожланишнинг муҳим шарти

ЮРТБОШИМИЗ ТАШАБУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (78, 80, 93, 96 ВА 98-МОДДАЛАРГА)»ГИ ҚОНУН ПАРЛАМЕНТНИНГ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ФУНКЦИЯСИНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАБ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ВА МАМЛАКАТДА КЕЧАЁТГАН СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛГАННИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ

O'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги масала бўйича ахбороти юзасидан ўтказилган парламент эшитувида бу айниқса, яққол кўзга ташланди. Тадбир иштирокчиларининг фикрича, мазкур қонун қабул қилингандан сўнг илк бор ўтказилган ушбу парламент эшитуви ўз моҳияти ва мавзунини долзарблиги билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Маълумки, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да давлат ва жамият қурилиши тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ахборот соҳасини янада ислохотлаштириш асосий вазифаларидан бири сифатида тилга олинди. Бинобарин, ахборот-коммуникация технологиялари сиёсий модернизация, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларида борган сари муҳим роль ўйнамоқда.

— Ҳозирги кунда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари ниҳоятда долзарб бўлиб, улар бутун ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади, — деди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Бу турдаги маҳсулотлар инновацион ривожланишнинг муҳим шари бўлиб, улар глобаллашув шароитида мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам парламент эшитувида ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилиш ва дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратдик.

Ингилишда парламент аъзолари “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари бозорининг бутунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболларини ҳам атрофлича муҳокама қилди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Муҳитдиновнинг таъкидлашича, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда АКТни ривожлантиришнинг тегишли норматив-ҳуқуқий базаси яратилиб, соҳага тегишли бўлган 11 та қонун, 3 та фармон ва 40 дан ортиқ Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур ҳужжатлар асосида дастурий маҳсулотларни шакллантириш, ҳужжатлаштиришни бошқариш, хавфсизлигини таъминлаш услублари ва воситаларига ҳамда бошқа масалаларга нисбатан қўйилган талабларни тавсифловчи 660 талдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, 20 дан ортиқ тегишли стандартлар ишлаб

чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи қорхоналарга солиқ ва бож соҳасида катта имтиёзлар берилди. Агар 2005 йилда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компаниялар сони 100 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб уларнинг сони 241 тага етди. 2007-2010 йилларда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўрт мартага кўпайиб, 2 501,6 миллион сўмдан 12 623,2 миллион сўмга етганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, соҳада мустақам ҳуқуқий базанинг яратилгани Ўзбекистонда маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар маҳсулотлари кўламининг йил сайин кенгайиб боришини таъминламоқда. Машҳур ишлаб чиқариш фирмаларининг хорижий дастурий таъминоти Ўзбекистон бозорига реализация қилиниши ва уларнинг ишлаб чиқаришига жорий этилиши билан бир қаторда мамлакатимизда хорижий дастурий маҳсулотлар билан рақобат қилишга қодир янги дастурий маҳсулотлар ишланмалари ҳам яратилмоқда. Ушбу соҳада ҳам партия электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улushiининг ортиси эса, мамлакатимиз иқтисодиётини янада тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳокама жараёнида депутатлар иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантириш борасида, шу жумладан, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, дастурий таъминот ва унинг экспорт бозори ҳажми ҳануз камлигича қолмоқда, дастурий таъминот соҳасида мамлакатимизда яратилган лицензияга эга ишланмаларнинг сони ҳам етарли эмас. Боз устига, амалиётда офшор дастурлаш тизимлари бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар ноқонуний ҳўжалик фаолияти юридаётган ҳоллари учраб турибди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда жуда юқори савиядаги интеллектуал ва кадрлар имконияти мавжуд бўлган бир пайтда қатор ташкилий масалалар ҳал этилмагани, соҳага оид қонунчилик етарли даражада такомиллаштирилмаганини кўрсатмоқда.

Фракция ташаббуси билан ташкил этилган мазкур парламент эшитувидан қўзланган мақсад ҳам соҳада олиб борилган ишларнинг бутунги ҳолатига баҳо бериш ва аниқланган муаммо ҳамда камчиликларга амалий ечим топишдан иборатдир. Ингилишда O'zLiDeP фракцияси аъзолари дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш лозимлигини таъкидладилар. Бунда дастур тармоғини ривожлантиришнинг қонунчилик ва ташкилий базасини яратиш нафақат мамлакатимизда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришга, балки хорижий дастурий маҳсулотга бўлган тобеликни босқичма-босқич бартафоз этишга ҳам хизмат қилиши, бу эса глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш нуқтани назардан муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Ғолиблар Тошкентда учрашадилар

O'ZLiDeP «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ БИЛАН ХАМКОРЛИКДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ИШБИЛАРМОНЛИК ИМКОНИАТЛАРИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРНИНГ САМАРҚАНД, НАВОИЙ ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДАГИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

Уларда биринчи bosqichдан муваффақиятли ўтган 180 нафар иштирокчи ўз бизнес-режаси билан иштирок этган бўлса, энг юқори натижаларга эришган 9 нафар тадбиркор аёлга лойиҳанинг республика bosqichida қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Ўқув-семинарнинг Самарқанд вилоят bosqichida опа-сингилларимизнинг туман bosqichida ғолиб бўлган 66 нафари иштирок этиб, уларнинг 5 нафари республика bosqichida қатнашиш имкониятини қўлга киритдилар.

— Мен Пахтачи туманиданман, — дейди «Равза Султанообод Саховат сервис» хусусий корхонаси раҳбари, bosqich ғолиби Розия Ботирова. — Жамоамиз асосан тикувчилик ва қандолатчилик билан шуғулланади. Айни пайтда мақарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Корхонамизда 20 нафардан зиёд йигит-қизлар меҳнат қилмоқдалар. Бундан ташқари, сервис хизмати йўналишидаги касб-хунар коллежи битирувчи қизларидан 40 нафарини ишга қабул қилишни режалаштиряпмиз. Партиямиз «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган бундай тадбирлар бизга ўзаро тажриба алмашиш учун қўл келатганини, солиқ, адлия тизими ҳамда Савдо-саноат палатаси мутахассислари ёрдамида ўз ҳуқуқий билимларимизни бойитганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Навоий вилоятида эса тадбиркорликка иштиққаманд 55 нафар хотин-қиз орасидан Шоҳишта Қувондиқова ва Шоира Тоировага ғолиблик nasib элди. Илмий-амалий ўқув-семинар якунида ғолиблар ўз бизнесини йўлга қўйиш учун дастлабки маблағ, яъни «Микрокредитбанк»


вилоят филиалининг 2,5 млн. сўм миқдоридagi кредит сертификатлари билан тақдирландилар.

— Тикиш-бичиш сирларини мукамал эгаллаганимга қарамай, тадбиркор сифатида иш бошлашга иккиланардим. Сабаби бизнес-режа тузиш, кредит олиш учун зарур ҳужжатларни тўплаш мен учун ниҳоятда мушкул туюларди, — дейди Ш.Қувондиқова. — O'zLiDeP вилоят кенгашидаги ўқувларда бизнес-режа тузишни ўргандим. Мутахассисларнинг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган ана шу бизнес-режа билан ғолиб бўлдим.

Қадимдан уста-хунармандлари, моҳир чеварлари-ю зардулиқ санъати билан бутун дунёни ўзига мафтун этаётган Бухорининг тадбиркорликда ҳам, уй-рўзгор юмушларида ҳам уздабурон бўлган 59 нафар аёллари орасидан 3 нафарига республика bosqich учун йўланма берилди. Университет талабаси, вобкентлик Зарнигор Тошева тақдим этган бизнес-режа соҳа мутахассислари томонидан ижобий баҳоланди.

Талаба қизининг пухта ўйланган ва бозор шароитига мослаштирилган лойиҳаси навбатдаги bosqichдан ҳам муваффақиятли ўтса, Вобкент туманининг 20 фоиз аҳолисининг қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилади. Зарнигорнинг ўзига ўхшаш 10 нафар ёшлар эса иш билан таъминланади.

— Яратилаётган ана шундай шарт-шароитлар туфайли тадбиркор аёлларимиз сони йилдан-йилга ортиб бораёпти, — дейди O'zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаолиятини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими етакчи маслаҳатчиси Нилуфар Хотамова. — Бугун партия-дошларимизнинг 20 минг нафардан зиёди тадбиркорлик, фермерлик билан шуғулланаётгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.



Биргина 2010 йилда улар томонидан 10 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Тошкент ва Навоий вилоятларидаги йирик тадбиркор аёлларимиз эса хорижий давлатлардан жалб этилган инвестициялардан фойдаланиб, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар. «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳасидан кўзда тутилган мақсад ҳам хотин-қизларимизда тадбиркор-

лик қўникмаларини шакллантириш, бизнес-режа тузиш ва банклардан имтиёзли кредит олишда уларга кўмаклашишдан иборатдир. Кўриниб турибдики, O'zLiDeP ғолиблари асосида ўтказилаётган уч bosqichли «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси жойлардаги тадбиркорликка лаёқати бор аёлларни бирлаштириб, ижтимоий исло-

қизларнинг фаол иштирокчи қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ҳамда интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда. Бу эса O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг сафи нафақат сон, балки сифат жиҳатдан ҳам ўсиб бораётганини кўрсатади.

Ўн олти миллиард — аёлларга

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА 25190 ДАН ОРТИҚ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ, 5000 ГА ЯҚИН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ БЎЛИБ, КИЧИК КОРХОНА ХАМДА МИКРОФИРМАЛАРНИНГ 12600 ДАН ОРТИГИ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЭСА 421 ТАСИНИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР БОШҚАРМОҚДАЛАР

Фарход ТОШБОЕВ,
«XXI ASR»

Одатда аёлларнинг ўз бизнесларини тўғри йўлга қўйишлари учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар нафақат хонадонлар файзи ва эл маъмуриятини таъминлаш, балки хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини мустақамлаш, сиёсий етук, фаол аёллар сафининг кенгайишига ҳам хизмат қилмоқда.

Таҳлилларга кўра, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг нишонланган йилда O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ўз сафига 22 минг нафарга яқин

O'zLiDeP сайловдан дастуридан

ПАРТИЯ АЁЛЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТАДИ.

аъзони бирлаштирган бўлса, уларнинг 7840 нафарини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Халқ депутатлари вилоят кенгашида O'zLiDePдан сайланган 5 нафар, шаҳар ва туман кенгашларида 20 га яқин депутат фаолият юритмоқда. Мингта яқин тадбиркор ва фермер аёл O'zLiDeP аъзоси сифатида партия дастурий мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этапти.

— Аёл — уйда мунис она, меҳрибон тарбиячи ва хонадонимиз бекасиди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят кенгаши депутати Мавлуда Қобулова. — Мустақиллигимиз шарофати билан опа-сингилларимиз жамиятимизнинг энг фаол аъзолари айландилар. Уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий дунёқараши ўсиб бораётган. Бугун хусусий секторда фаол ҳаракат қилаётган хотин-қизлар фақат фермер, тадбиркор, хунарманд аёл ёки вилоят меҳрибон она бўлиб қолмай, балки етук сиёсатчи ҳамдир.

Шунинг учун ҳам Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг I чоррағида 695 нафар тадбиркор аёлга 4 миллиард 600 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди. Масалан, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан Бойсун хунармандчилик марказига ажратилган 10 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит ҳисобига 10 дан ортиқ хотин-қизлар иш билан таъминландилар.

— Тоғли туманимизда ташкил этилган марказда 20 дан ортиқ хотин-қиз Бойсуннинг қадимий гилам ва матолари, лолугул, тўлдирма, мунчоқли дўппиларини тўқишмоқда, — дейди марказ раҳбари Ҳанифа Салимова. — Хунармандларимиз яратётган ноёб буюмлар хорижлик сайёҳларга ҳам катта қизиқиш уйғотапти. Жамғармадан олинган имтиёзли кредит қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, со-

ҳани ривожлантириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёрдам берди. Ушбу маблағнинг бир қисми эса адрас ва патли гилам тўқийдиган дастгоҳларга, яна бир қисми эса замонавий тикувчилик машиналари сотиб олишга йўналтирилди.

Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги раҳбари, O'zLiDeP туман кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати Рисолат Маматқулова ҳам тижорат банки кредитларидан самарали фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш баробарида сервис ва хизмат кўрсатишни ҳам кенг йўлга қўётган хотин-қизларимиздан биридир.

— O'zLiDeP электорати бўлган тадбиркор ва фермер аёлларга қулайликлар яратиш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаёмиз, — дейди Рисолат Маматқулова. — O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилаёпти. Мазкур лойиҳа Сурхон воҳасида ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркор аёлларимиз учун ўзига хос мақаб вазифасини бажарди. Лойиҳанинг шаҳар ва туман bosqichларида юздан ортиқ хотин-қиз ўз тақлифи — бизнес-ғолиблари билан иштирок этидилар. Уларга тажрибали мутахассислар томонидан бозор иқтисодиёти ва бизнес юритиш бўйича маслаҳатлар берилди. Тадбирнинг вилоят bosqichига 14 нафар энг малакали бўлажак тадбиркор аёл йўланма олган бўлса, машғулотлар якунида энг яхши урта бизнес-режа таянча олиниб, лойиҳанинг республика bosqichida қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Тақдим этган бизнес-режа юксак баҳоланганидан хурсандиман, — дейди ангорлик тадбиркор аёл Райҳон Саодатова. — Тадбирнинг республика bosqichida ҳам яхши ўринни эгаллаб, тижорат банкининг имтиёзли кредит маблағи эвазига миллий кийим-кечак ҳамда элита пардалар тикишни йўлга қўймоқчиман.

— Биз билан бир сафда турган тадбиркор аёлларимиз партияимизнинг кучли тарғиботчилари ҳамдир, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Гулнора Холмаматова. — Деновлик Гулчеҳра Ҳайдарова, жарқўронлик Ҳанифа Қарарова, қизирқлик Наргиза Бозорова каби юзлаб тадбиркорлар, термизлик Рисолат Маматқулова, жарқўронлик Ойдин Абдурашова, қизирқлик Момоҳол Жаббарова сингари фермер аёлларимизнинг бу боралдаги ишларини ибрат қилиб кўрсатсак арзийди.

Мазлумотларга қараганда, бу йил Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 168 миллиард 700 миллион сўм миқдорда кредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, ана шу маблағнинг 16 миллиарддан ортинг айнан тадбиркор аёллар фаолиятига йўналтирилди. Бу эса вилоятда тадбиркор аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини, юртини обод ва кўркям, хонадонларини файзли этишда уларнинг роли тобора ошайётганини кўрсатади.

Ғоялар лойиҳаларга айланди

O'ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНING МАРКАЗИЙ БАНК БИЛАН ХАМКОРЛИКДА ЎТКАЗГАН «ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ МАХСУС ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРГА АНА ШУНДАЙ ТАЪРИФ БЕРИЛДИ

Ўз мухбиримиз

Тадбирнинг дастлабки куни Фаргона шаҳридаги иқтисодий йўналишдаги касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари учун «Очиқ эшиклар акция»сига айланинган ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

O'zLiDeP Фаргона вилоят кенгаши ташкилий партиявий ишлар бўлими мудири Зоҳиджон ТУРАЕВнинг таъкидлашича, Марказий банк Фаргона вилоят бош бошқармаси ва барча тижорат банклари ҳамда солиқ тизими, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси мутахассислари ҳамда тадбиркорларнинг битирувчи талабалар билан ўтказган очиқ мулоқотларида уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар қайтарди.

Шунингдек, мулоқотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қўлай муҳит яратиш, хусусан, соҳани ривожлантиришда молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти, партия электорати вакиллари билан мутахассисларнинг тартибга солувчи ҳужжатлар буйича билимларини ошириш ва уларга амалий кўмак бериш каби масалалар атрофлича қамраб олинди. Семинар қатнашчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда «Бизнес-режа ва уни тайёрлаш талаблари», «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар», «Микрокредитбанк» кредит сиёсатининг асосий талаблари», «Кичик бизнес вакиллари учун жорий этилган солиқ имтиёзлари» каби мавзуларда Савдо-саноат палатасининг етакчи мутахассислари мазмунари тингланди.

Тадбир якунида энг мукамал лойиҳа муаллифларига «Микрокредитбанк» томонидан кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Худди шундай семинарлар Фурқат, Олтиариқ ва Фаргона туманлари ҳамда Қўқон ва Марғилон шаҳарларида ҳам ўтказилди.

O'zLiDeP
Матбуот хизмати
хабар қилади

АНДИЖОН. O'zLiDeP вилоят кенгаши, вилоят давлат солиқ ва божхона бошқармалари ҳамкорлигида Улугнор туманида ўтказилган ўқув-семинарда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида белгиланган вазифалар ҳамда улар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларга қаратилди.

Таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунари амалиётта самарали татбиқ этиш янги иш ўринлари яратиш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадбирда эришилган ютуқ-

лар билан бир қаторда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани, жойларда мулк эгалари дуч келатган қийинчиликлар ҳам борлиги қайд этилди.

СУРХОНДАРЁ. Олтинсой туманидаги Саноат касб-хунар коллежида ташкил этилган «Мустақил юртининг мустақил тадбиркори» мавзуидаги давра суҳбати тўпланганларда катта таассурот қолдирди. O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусан, қишлоқ жойларида яшовчи аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш билан боғлиқ амалий ҳаракатларни янада кўпайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали маҳаллани тадбиркорлик марказига айлантириш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Сўзга чиққанлар жамия-

тимизда хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва кичик бизнесни иқтисодиётнинг таянч бўлинига айлантиришда хотин-қизлар катта куч эканини таъкидлаб, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ани кундаги долзарб масалалардан бири эканини қайд этидилар.

Ғолиб чиққан талабалар танловининг вилоят bosqichida қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар ва партия ташкилотларининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Хизматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРАНИНГ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятини турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзаси келса, сизга иккиланмай бизга мурожаат этинг!

Манзил: Мирзо Улughбек тумани, Қорасоғ 6 ҳақаси 19 й.уй.
Тел: 8 (871) 265-00-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

«Мен буюк ва муқаддас юрт фарзандиман!»

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАШАБУСИ БИЛАН «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИР АНА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, кейинги йилларда Адлия вазирлиги маданиятни юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, ушбу мавзуга бағишланган қўллаб-қувватлаш тадбирлар ўтказмоқда.

Жумладан, «Ёш ҳуқуқшунослар», «Ҳуқуқ билимдонлари», «Балли, ҳуқуқшунослар!» каби республика кўрик-тан-

ловларининг тобора оммалашиб бораётгани ҳам уларда асосан ёш ҳуқуқшуносларнинг саводхонлигини ва, албатта, ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилгани билан боғлиқдир.

«Туркистон» саройида ўтказилган навбатдаги тадбирда ҳам ана шу ютуқлар эътироф этилиб, турли лойиҳаларда ғолиб бўлган жамоалар яна бир бор ўз билим ва истеъодларини синовдан ўтказдилар. Унда турли жамоалар мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг Ватан та-

раққиёти, ёш истеъодларини тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда самарасини намойиш этидилар.

Мазкур лойиҳаларни амалга оширишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорлик қилганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Тадбир якунида Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан энг фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

Эълон

Ташкилот локал компьютер тармоғини, дастурий таъминот комплексини (1С: Бухгалтерия ва Электрон ҳужжат алмашиш дастури) яратиш ва ўрнатиш бўйича танлов ўтказмоқда. Мурожаат учун телефонлар: 254-04-69, 751-90-39.

Инкор этиш «санъат»и

АЙРИМ ПАРТИЯ НАШРЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН МАҚОЛАЛАР АНА ШУ СИЁСИЙ КУЧЛАРНИНГ ХАЛИГАЧА ЭСКИЧА ҚАРАШЛАРДАН ВОЗ КЕЧА ОЛМАЁТГАНЛИКЛАРИНИ КЎРСАТМОҚДА

Биродар КИМСАН

Истиқлол тўғайли пайдо бўлган ва жамиятимиз ҳаётинан мустақкам ўрин эгаллаган ўрта синф бугун нафақат иқтисодиётда, балки ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этиб, демократик ислохотларнинг ҳал қилувчи кучига айланаётгани мамлакатимизда мулк ва мулкдорлар фаолиятига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, ана шу синф вакиллари кўллаб-қувватлаш масаласига давлат ташкилотлари билан баббаробар фуқаролик жамиятининг барча институтлари ҳам бирдек масъулият билан ёндашмоқдалар. Ҳатто узоқ йиллар хусусий мулкка, мулк эгалари ва тадбиркорлар қатламига ўтай муносабатда бўлиб келган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг либерал-демократик гояларни қўллаб-қувватлаш бошлагани кувонарли ҳол, албатта.

Аммо кейинги пайтларда ана шу партия нашридаги айрим чиқишлар партия фаолларининг ҳали ҳам эскича қарашлардан буткул ҳоли бўлмаганини кўрсатиб қўйди.

Хусусан, ХДПнинг ҳалигача бозор муносабатларини тўла англамаётгани у ёки бу ҳудуддаги ўзгаришларга сунъий соя ташланишига сабаб бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фаолон туманда фалонча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тўхтатиб, қабилдаги шов-шувлар эса ХДПнинг жамоатчилик эътиборини яна ўзига қаратишга уринаётганига мисол бўлиши мумкин.

Шу ўринда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ХДПнинг ҳар қандай қарашларидан қатъий назар О'zLiDeP учун энг устувор вазифа бўлиб қолаётганини таъкидлашни истардик. Чунки мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнлари ўрта синфнинг янада мустақкам оёққа туриши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ жараёнлар.

Бугун ҳеч ким ўрта қатлам, хусусан, тадбиркорлар ва мулкдорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар юз фўис бартараф этилди, деган фикрни билдираётгани йўқ. Шунинг учун ҳам айнан ўрта қатламни янада ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги қонунлар лойиҳалари устида изчил изланишлар олиб борилапти. ХДП нашрида эълон қилинган «Тадбиркор муаммага дуч келмоқда О'zLiDeP эса сукут сақламоқда» сингари баландпарвоз мақолалар эса мазкур партиянинг хусусий секторнинг гамхўр кучига айланишига интиляётганини кўрсатмоқда. Аммо негадир мақолада бугун Хоразм вилоятида 11,5 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётгани, улар томонидан 12931 та иш ўрни яратилгани ҳақида бирон сўз айтилмади. Турғи, мақолада тилга олингандек, Хоразм вилоятининг айрим туманларида ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари бор. Аммо мухбир ана шу корхоналар нима учун ўз фаолиятини тўхтатгани билан қизиқиб ҳам кўрмагани таажубланарлидир.

Агар мухбир мазкур масалага ҳолис муносабат билдирганида эди «2010 йили вилоятда 1066 та юридик шахс ўз фаолиятини тугатган» дея ҳулоса чиқаришдан аввал айнан ана шу даврда 1810 та янги кичик бизнес субъекти иш бошлагани, бу бозор қонуниятлари, талаб ва тақлиф асосидаги ривожланиш жараёнларининг табиий босқичи эканини ҳам тилга олган бўларди.

Эки Гурланди 108 та тадбиркорлик субъекти ишламаётганига либералларни айбдор деб топган мухбир айни пайтда фермер хўжаликлари ни ҳисобга олганда 2908 та кичик бизнес субъекти фаолият юритаётгани, 73 та тадбиркорлик субъекти эса ўз фаолиятини қайта тиклаганини тилга олган, 1 чоракнинг ўзидагина яна 54 та кичик бизнес субъекти иш бошлаганига эътибор қаратган бўлар эди.

Мақолада «либераллар жим» деган жумлани ишлатиш учунгина бугун бошли Гурлан туманидаги ўзгаришларни ёмонотлиққа чиқариш бў гўё мавжуд вазиятга қўра кўзойнак орқали қарашга ўхшаб туюлмаётганими?

Мақолада Хонқа туманидаги та-

биркорлар фаолиятига ҳам ана шундай муносабат билдирилади.

«Юзга яқин тадбиркорлик субъектининг фаолияти тугаган» дея ҳулоса чиқарилган мақолада тумандаги 2998 та тадбиркорлик субъектлари томонидан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани, турли хизматлар кўрсатилаётгани тилга олинмади ҳам. Хонқада фаолият кўрсатмаётган корхоналар атиги 5,2 фўисни ташкил этаётганини ва бу рақам бозор иқтисодиётига ўтган давлатлар учун табиий саналган 7 фўисли кўрсаткичдан анчайин кам эканини тушунмаслик эса ҳақиқатан ҳам ХДПнинг эътиборталаб партияга айлиниб қолаётганини кўрсатади.

АГАР ХДПЧИЛАР РАҚАМЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ЭРИНАЁТГАН БЎЛСАЛАР, БУ ЖАМИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТНИНГ ШУНЧА ФОИЗИНИ АЙНАН ХУСУСИЙ СЕКТОР ЭГАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЯПТИЛАР ДЕГАНИДИР. ЁКИ БЎЛМАСА, УШБУ СОҲАНИНГ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАГИ УЛУШИ 78 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИ, БУ АЙНАН ХДП ЭЛЕКТОРАТИ АЪЗОЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИНИ ХУСУСИЙ СЕКТОР ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАЁТГАНИНИ АНГЛАТАДИ.

Турғи, айрим ҳудудлардаги О'zLiDeP депутатларининг ҳаммасини ҳам бугунги кун талаблари даражасида ишлаяптилар, электротат манфаати учун жон фидо қилаяптилар, дейиш фикридан йироқимиз. Ҳатто орамизда О'zLiDeP илгари сурган гоя, партиянинг мақсад ва вазифаларини учун ҳам унга сийловчилар ишонч билдирганини унутиб қўйган депутатлар борлигини ва ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилиши заруриятини ҳам биламиз. Аммо бу Хонқа, Гурлан туманларида ХДПчисига шов-шув кўтаришга асос бўла олармикми?

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, бугун Хоразмда ҳам кенг қўламли ислохотлар қандай натижа бераётганидан кўз юмиши тирноқ остидан кўри қидиришга ўхшаб кетаяпти. Айниқса, вилоятда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани учун ҳам кичик бизнес субъектларининг вилоят ялли ички маҳсулотидagi улуши 71,8 фўисни ташкил этмоқда. Агар ХДПчилар рақамларни таҳлил қилишга эринаётган бўлсалар, бу жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг шунча фўисини айнан хусусий сектор эгалари ишлаб чиқараяптилар деганидир. Ёки бўлмаса, ушбу соҳанинг аҳолини иш билан таъминлашдаги улуши 78 фўисни ташкил этгани, бу айнан ХДП электорати аъзоларини иш билан таъминлаш масъулиятини хусусий сектор ўз зиммасига олаётганини аниглайди.

Жорий йилда эса вилоятда кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 12931 та, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш орқали 5842 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш эва-

зига эса 12636 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

Ана шу мақсадда вилоятнинг барча ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантириш учун қўлай муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенгроқ имкониятлар бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада камайтириш, уларга кредитлар, хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратишга кўмаклашиш О'zLiDePнинг вилоят, шаҳар ва ту-

тилган бўлиб, 1 чоракда 34,2 млрд. сўм миқдоридagi маблағ ХДП «гам-хўрлик» қилаётган тадбиркорларга етиб борганини наҳотки ушбу партия нашрининг Хоразмдаги мухбири ошмаган бўлса? Ажратилган ана шу кредитлар ҳисобига эса 2554 та янги иш ўринлари яратилди. Бу эса ХДПнинг том маънодаги эътиборини кўтаётган шунча фуқаро иш билан таъминланди, деганидир. ХДП эса негадир бундай ўзгаришларга қўра кўзойнак орқали қарашда давом этмоқда.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, О'zLiDeP ХДПдан фарқи ўлароқ жойларда ўз ҳамкор ташкилотлари билан ўрта қатлам вакиллари кўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоли масалаларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари орқали ечим топишда изчил ишлар олиб бормоқда.

Агар 2011 йилнинг 1 чоракда О'zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган лойиҳалар, танлов ва турли қўриқлар орқали 10 миңдан ортиқ иш ўрни яратилгани, партиянинг эса Марказий банк билан ҳамкорлиги асосида коллежлицей битирувчилари ва тадбиркорликка энди кириб келаётган юрдошларимизга, оз эмас-кўп эмас, 7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилишига имкон яратилганини инобатга олсак, О'zLiDeP, оз бўлса-да, реал ишлар билан шуғулланаётганини кўрсатади.

Биргина «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси асосида эса олий ўқув юртлири, коллеж ва лицей битирувчиларининг 1500 нафари қамраб олингани ҳам бу боралдаги муайян натижалардан далолат бермоқда. Бу О'zLiDeP ташаббуси билан амалга оширилган биргина лойиҳа натижалари, ҳолос. Айни пайтда партия ўнлаб ана шундай лойиҳаларни амалга ошираёттир.

Хоразмнинг узида ҳам «Замонавий, билимли ёшлар — фермерлар мададкори», «Эркин тадбиркор — иқтисодиётимиз таянчи» сингари ўнлаб лойиҳалар амалга оширилмоқда, бу мамлакатдаги тинчлик ва хотиржамликдан энг кўп манфаатдор бўлган ўрта қатлам, унинг қизиқишлари, муаммосидан тортиб ютуқларига О'zLiDeP учун ниҳоятда муҳим эканини аниглайди. Биз айрим партиялар каби у ёки бу ило-рада қўлга илиниб қолган таги пуч рақамлар билан шов-шув кўтариш ва шу йўл билан обрў қозониш тарафдорли эканмиз.

Бундан эмаси йил муқаддам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар арафасида О'zLiDeP аъзолари соғлиқни сақлаш тизимида бозор механизмлари кенгроқ жорий қилиш лозим, деган фикрни билдирганларидир. ХДП вакиллари эса бундай ёндашув нотўғри эканини, ҳатто мавжуд хусусий клиникаларни тугатиб, соғлиқни сақлаш тизимини фақат давлат ихтиёрида қолдириш керак, деган таклифларни илгари сурганлари ҳали ҳам сайловчилар ёлидан кўтарилгани йўқ. Юқориди тилга олинган таъмин-сиз мақолалар эса ана от айланми, қозинини топаётганини кўрсатади. Яна билмадик...

Шу ўринда яна бир рақамга эътибор қаратайлик: 2011 йилда тижорат банклари томонидан хусусий секторга 136 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш кўзда

дорлигига ҳам бевоисита боғлиқдир. Шу боис жойлардаги қўйи бўғинлар фаолиятини ривожлантириш, электротат вакиллари олдига турган масалаларга ечим топиш юзасидан депутатлик гуруҳи аъзолари ҳисоботини мунтазам эшитиш йўлга қўйилди. Шаҳар кенгаши сессиясига ҳозиргача иккита масала киритилиб, ижобий натижага эришилди. Бундан мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш ва касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар битирувчиларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш орқали бандлик муаммосини ҳал этишдир.

Бутунги тезкор даврда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этмаган, фақат сайловлар давридагина фаоллашадиган сиёсий куч ўз мавқеини йўқотиб қўйиши аниқ. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни жадаллаштириш учун масъулиятни зиммасига олган О'zLiDeP ўз дастурий мақсадларида белгиланган вазифаларини амалга ошириш учун барча бўғинлардаги партия ташкилотлари ва фаоллар яқдил ҳаракат қилишлари ва мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишлари шарт, деб ўйлайман. Депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ана шу масалаларни шаҳар кенгаши сессияларига киритиш юзасидан муайян камчиликларга йўл қўйилаётганини ҳам тан олишимиз

Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч



Қалб амри билан

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИГА ҚЎШИЛГАН ИҚТИСОД ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР, О'ZLIDERДАН ОЛТИНҚЎЛ ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, «ОЛТИНҚЎЛНИНГ ОЛТИН ЖИЛОСИ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ АБДУРАУФ АБДУЛЛАЕВ ҲУНГ ИЛИ 20 МЛН. СЎМ СОФ ФОЙДА ОЛДИ

Илхомжон ЭГАМНАЗАРОВ, «XXI ASR»

Қўшпазарой қишлоғида туғилиб ўсган Абдурауф ака ёшликдан иқтисод илмига меҳр қўйиб, етук олим бўлиб етишти. Узоқ йиллардан бери Андижон муҳандислик ва иқтисодиёт институтида хизмат қилиб келмоқда. Аввал номзодлик, кейинроқ Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини бошқаришни инфорацион таъминлаш» мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилди. У иқтисодий назария илминини ўз кучи ва иродаси билан амалиётга татбиқ этишни оруз қилиб юрар эди. Муштакиллик тўғайли ана шундай имконият туғилди. 2006 йилда 34 гектар ер олиб, деҳқончиликни бошлаб юборди. Ушанда гарчанд ерлар унумдор бўлса-да, қаров-сизлик ва хўжасизлик ўз асоратини қолдирган эди. Нима қилиш керак?

Абдурауф ака ишни иқтисодий бошқарувни йўлга қўйишдан бошлади. Натижада ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб, моддий манфаатдорлик қўлай борди. Эндиликда ер майдони 63 гектарга етган. Унинг 32 гектарига «Супер элита» бўёли уруғи, 29 гектарига эса «Элита» навлии гўза уруғи қадалган бўлиб, экинлар парвариши намунали олиб боришмоқда. Олим-фермер бўёли ва гўза парвариши технологиясини такомиллаштириш билан бирга иқтисодий тежамкорликка қатъий амал қилиб, харажатларни кескин қисқартириш йўлиларини излайди. Бундай омиликорлик ўз самарасини бермоқда. Ҳар йили гектар ҳисобига 70 центнердан буюдой, 41 центнердан пахта ҳосили олинаётти. Етиштирилган бўёли, пахта ва пилла ҳосили фақат уруғликка соғинапти. Дастлабки йилларда фермер хўжалиги буйича атиги 5-7 млн. сўм фойда олинган бўлса, ўтган йили бу натижа 20 млн. сўмни ташкил этди.

— Иқтисодий самарадорлик

ортган, қўлинг ҳам узун бўлар экан. — дейди суҳбатдошимиз. — Кейинги йилларда 2 та трактор, 1 та енгил автомашина сопиб олдик, янги дакта шийпони барпо этдик. Хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги олиб бормоқда. Масалан, ўтган йили давлатга 140 тонна галла топиширган бўлсак, мажбурийатдан олиш-часини ҳаммага тенг тақсимладик. Ходимлардан 4 нафарининг фарзандлари ўқушни учун контракт-тўловларига пул ўтказиб беришмоқда. Тўй-томолар қилишимиз. Буларнинг ҳаммаси Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик медалларидир.

Шуқроналик туйғуси энли замонашумимизни янада изланиб ишлашга ундамоқда. Бугунги кунда фермер хўжалиги илмий-экспериментал хўжаликка айлан-тирилган бўлиб, мамлакатимиздаги барча етакчи илмий-тадиқот марказлари, айниқса, бозор ислохотлари институти билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Тўрп нафэр талаба фермер хўжалигида илмий изланишлар олиб бораётти. Абдурауф Абдуллаев бугунги кунда ҳам қадрдон институтида бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик кафедраси мудир вазифасида ҳам ишлаб келмоқда. Яқинда унинг ҳаммуаллифлигида ёзилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» номли китоб, босмадан чиқди. Бундан ташқари, олим-фермер 20 дан ортиқ илмий мақола, монография, ишланмалар муаллифидир.

О'zLiDePдан туман кенгаши депутати А.Абдуллаев партиянинг Сайловчи дастурида белгиланган вазифаларни рўй-ба қиқариш йўлида куч-гайратини аямаяди. У маҳаллий бюджетни шакллантириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доимий комиссиясининг раиси сифатида аҳоли фаровонлигини ошириш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, қонунлар ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Ҳар йили гектар содиқ олим-фермер дастлабки қўнларданок хўжаликка бошланғич партия ташкилотини тузди. Иш бошқарувчи Баҳромдин Тирқашев, механизатор Йўлдошали Ёқубов, сувчи Илхом Турақўловлар қалб амри билан О'zLiDeP сафига кириб, айни пайтда либерал-демократик гояларни омма орасида кенг тарғиб қилишга интильмоқдалар. Оққан дарё оқверани, деганлари шу бўлса керак.

Депутатлик гуруҳларида

Баҳром САТТОРОВ, Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

Президентимиз томонидан яратилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар сиёсий партияларнинг қўйи бўғинлари фаолиятини ҳам бугунги кун талабларига мослаштиришни тақозо этмоқда. Ана шундай масъулиятдан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган даврида депутатларимиз

Худуддаги муваффақият маҳаллий кенгаш депутатлари фаолиятдан бошланади

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАРШИ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ О'ZLIDER ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА ИККИТА МУҲИМ МАСАЛА КИРИТДИ

томонидан сайловчиларнинг 30 дан ортиқ ариза ва шикоятлари қўриб чиқилиб, уларни ижобий ҳал қилишга муваффақ бўлдик. Хусусан, «Янги Парк» кўчаси аҳолисининг ичимли сув таъминотини яхшилаш, 12-мактаб биносини таъмирлашни режага киритиш сингари масалалар юзасидан мутасадди идораларга сўровномалар киритилди. Шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир амалий вазифалари юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Маълумки, бугун мамлакатни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этиш депутатлик гуруҳлари фаолияти самара-

Худуддаги муваффақият маҳаллий кенгаш депутатлари фаолиятдан бошланади

дорлигига ҳам бевоисита боғлиқдир. Шу боис жойлардаги қўйи бўғинлар фаолиятини ривожлантириш, электротат вакиллари олдига турган масалаларга ечим топиш юзасидан депутатлик гуруҳи аъзолари ҳисоботини мунтазам эшитиш йўлга қўйилди. Шаҳар кенгаши сессиясига ҳозиргача иккита масала киритилиб, ижобий натижага эришилди. Бундан мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш ва касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар битирувчиларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш орқали бандлик муаммосини ҳал этишдир.

Бутунги тезкор даврда ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этмаган, фақат сайловлар давридагина фаоллашадиган сиёсий куч ўз мавқеини йўқотиб қўйиши аниқ. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни жадаллаштириш учун масъулиятни зиммасига олган О'zLiDeP ўз дастурий мақсадларида белгиланган вазифаларини амалга ошириш учун барча бўғинлардаги партия ташкилотлари ва фаоллар яқдил ҳаракат қилишлари ва мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишлари шарт, деб ўйлайман. Депутатлик гуруҳимиз аъзолари томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ана шу масалаларни шаҳар кенгаши сессияларига киритиш юзасидан муайян камчиликларга йўл қўйилаётганини ҳам тан олишимиз

лозим. Жумладан, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти билан боғлиқ қонунларни такомиллаштириш ҳамда соҳани янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишда фаолиятимизни кучайтиришимиз зарур. Ҳулоса қилиб айтганда, депутатлик гуруҳлари партиянинг жойлардаги фаолияти самарадорлигини таъминловчи энг асосий бўғин саналади. Худудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажариш ҳам кўп жиҳатдан ана шу «мини фракция»ларнинг жойлардаги фаолитига боғлиқ. Ана шундан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳлари юқоридан топириқ берилишини кутмай, ўз ваколатлар доирасида зиммаларидаги вазифаларни сидқидил адо этишларини даврининг ўзи тақозо этапти.

Талаб ва таклиф мувозанати

ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, АГАР ДУНЁДА СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ХАЛ ЭТИЛМАСА, У ҲОЛДА БУ ИНҚИРОЗ ЯНАДА КЕСКИНЛАШИШИ МУМКИН. ЧУНКИ АЙНИ ПАЙТДА САЙЁРАМИЗДАГИ 6 МЛРД. АҲОЛИНИНГ 1 МЛРД. 100 МЛН. НАФАРИ ЧУЧУК СУВ ТАҚЧИЛЛИГИНИ БОШИДАНИ КЕЧИРМОҚДА. 2025 ЙИЛГА БОРИБ ЭСА ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИНING 3/2 ҚИСМИ СУВ ЕТИШМОВЧИЛИГИ МУАММОСИГА ДУЧ КЕЛАДИ. ШУ ЎРИНДА БУ ИНҚИРОЗ АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИНИ ТОБОРА ЎЗ ДОМИГА ТОРТАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ

Файзулло
АБДУЛБОКИЕВ

Афсуски, сув етишмовчилигини фақат қора қитъадагилар азият чекаётгани йўқ. Таиланд, Индонезия ва Мексика ҳам ана шу муаммога гирифтор бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Соҳа мутахассисларининг тахминича, Шимолий Хитой ва Африканинг асосий худудлари ҳамда Яқин Шарқ, Мексика, Ҳиндистон ва Шимолий Американинг қатор туманлари сув ресурсларининг ўткир тақчиллигига учраш арафасида турибди. UNICEF маълумотларига қараганда, бундай ҳолатдан кўпроқ болалар азият чекаётдилар. Тўрт мингга яқин бола ҳар куни тоза сув етишмовчилигидан орттирилган касалликлардан вафот этаётган бўлса, чучук сув тақчиллиги яқин ўйилликларда қатор давлатларнинг иқтисодий тараққиётига ҳам тўғаноқ бўлиши мумкин.

Шу ўринда фақат сув ва санитар гигиеник таназзулни бартараф этиш билангина БМТнинг 2000 йилги саммитида қабул қилинган "Мингйиллик" тараққиёт дастурини

амалга ошириш мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим. Акс ҳолда таълим, соғлиқни сақлаш ва экологик барқарорлик борасидаги ҳаракатлар ҳам издан чиқади. Иқлим ўзгариши ёки глобал миқёсда кун иситишдан Саҳроий Кабирдан жануброқдаги Африканинг бутун худуди ва Жанубий Американинг гарбий қисми сув етишмовчилигига дучор бўлади.

Агар жаҳондаги ўртача ҳаво ҳарорати саноатлашган даврдаги ҳарорат билан солиштирилганида 2 градустга кўтарилиб кетса, у ҳолда 2 млрд. дан 3 млрд. гача бўлган одам сув етишмовчилигидан азият чекади.

Бугун жаҳон бозорига нефть нархининг тобора ошиб бораётгани, об-ҳаво инжиқликлари Ҳиндистон ва Хитойнинг озиқ-овқат ҳамда энергетикага бўлган талабининг жадвали билан ўсиб бораётгани озиқ-овқат нархларининг мисли кўрилмаган даражада ошиб кетишига сабаб бўлаётди. Бунда, энг аввало, ривожланаётган мамлакатлар қийналаётгани баробарида саноати тараққий этган мамлакатлардаги кам таъминланган аҳоли қатламига ҳам таъсир кўрсатаётгани айтилмоқда.

Мутахассислар эътироф

этаётганидек, истиқболда озиқ-овқат нархи изга тушади. Аммо, яқин 10 йил ичида нарх-навоининг ўсиши, айниқса, нефть нархининг кўтарилаётгани ўғитдан тортиб, қайта ишланадиган маҳсулотларни етказиш нархининг қимматлашувига олиб келади. Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатларда гушт ва сут маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсиб бораётгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Шубҳасиз, озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашуви инфляцияни рағбатлантираётди. Америкадаги JP Morgan банки мутахассисларининг фикрича, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига талаб юқорилиги, таклифнинг эса чегаралангани сабаб бўлаётди.

«Қора олтин» баҳосининг юқорилиги озиқ-овқат ишлаб чиқариш нархларининг ҳам ошишига туртки бўлди. Охирида аксарият мамлакатлар биосўзлик ишлаб чиқаришга эътиборни кучайтирмақдалар. Бу эса, ўз навбатида, маккажўхори, шакар ёки соя нархларининг ўсишида давом этишини аниқлатади. Қолаверса, тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан



боғлиқ масаланинг ўткирлашиб бораётгани бутун бир сайёранинг оғир муаммосига айланди, десак муболага

бўлмайд. ЮНЕСКО маълумотларида ҳам сайёрада қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг 6-7 миллион гектари деградацияга учраб муомаладан чиқаётгани инсониятнинг озиқ-овқат захиралари хуусидаги хавотирларини кучайтириб юбораётди.

Она сайёрада экологиянинг тобора издан чиқаётгани Ер юзиде тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, тузли ёмғирлар, атмосфера инфлосланиши, озон қатлами бузилиши каби бошқа офатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Натижада жаҳонда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли касалликлар ортиб бораётди.

Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари, агар олди олинмаса, биринчи навбатда, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралиядики жиддий ижтимоий можаролар ва муаммолар гирдобига қолажагини таъкидламоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам глобаллашув жараёнлари жаҳон сиёсий маконининг янгича кўриниш олиши ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатаётди. Шу билан бирга замонавий

халқаро муносабатлар дунё халқлари ўртасидаги яқинлашув жараёнларини тезлаштириш, ҳамкорликни кучайтириш, мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммолар, айниқса, минтақавий ва давлатлараро можароларни ҳал қилиш, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш, экологик хавфсизликни ҳамжиҳатликда таъминлашни талаб этаётди.

Тан олиш керак: экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим иситишнинг олдини олиш масалалари инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бўлди. Халқаро миқёсдаги йирик талбирлар асосан ана шу муаммоларга бағишланаётганининг ўзи вазиёт нақадар долзарб эканини кўрсатмоқда. Аксарият мутахассислар Ер шарининг экотизими емирилиш арафасида турганини эътироф этиб, агар зудлик билан чоралар кўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг миқёсдаги қурғоқчилик ва сув тошқинлари, вайронкор довулар, юқумли тропик касалликлар, ҳарбий можаролар ва мислсиз миграция таҳдидларига дучор бўлишни бот-бот такрорлай бошлади. ХХ асрнинг иккинчи ярмидан экологияга нисбатан

инсон омилнинг салбий таъсири, минераллашган сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши, шўрланиш, табиий бойликлардан нотўғри фойдаланиш, соҳага оид қонунлардаги камчиликлар ҳам хунук оқибатларни келтириб чиқараётганини айтиб ўтмоқ жоиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, атмосферадаги йиллик ўртача ҳароратнинг аста-секин кўтарилиб боришига очик электростанциялар, автомобиль тутунлари, завод қувурлари ва бошқа инфлослантирувчи манбалар ҳаво бўшлиғига йилга 22 млрд. тоннага яқин зарарли газларнинг чиқарилиши сабаб бўлаётди. Чорвачилик, ўғитдан фойдаланиш, кўмир ёқиши ва бошқа манбалар эса йилга 250 млн. тонна мезан ҳосил қилинишига олиб келмоқда. Энг ачинарлиси, инсоният томонидан ҳавога чиқарилаётган барча касаллик газларининг ярмига яқини атмосферада қолиб кетаяпти.

Демак, хулоса шуки, ҳар қандай шароитда ҳам давлатлар бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олишлари ва умумий тинчлик ҳамда барқарорликка эришишда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишлари зарур. Акс ҳолда...

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР


Кўҳна қитъа қаримокда

БМТ ҳисоботида қайд этилишича, асримиз охирига бориб аҳоли сони 10 миллиард нафардан ортади. Дунё демографик ҳолатининг эҳтимолли ривожланиши асосан Африкадаги 39, Осиёдаги 9, Океаниядаги 6 ҳамда Латин Америкадаги 4 та мамлакатдаги туғилиш суръати билан боғлиқ. Ушбу ҳужжатда туғилиш даражаси паст мамлакатлар ҳам қайд этилган. Бу сафта Исландия ва Ирландиядан ташқари барча Европа давлатлари кирди. Таҳлилларга кўра, айна пайтда Ғарб аҳолисининг 11 фоизини 65 ёшдан катталар ташкил этаётди. Агар туғилиш шу тарзда давом этса, яна 40 йилдан сўнг минтақда аҳолининг 26 фоизини қариялар, 24 фоизини ёшлар ташкил этиши аниқ.



Секин ва салкам текин

Бельгияда «Куёш импульси» деб номланган лойиҳа муваффақиятли якунланди. Айнан шу ном остида куёш энергияси орқали ҳавога кўтарилган самолёт эсон-омон ерга қўнди. Куёш ботгандан сўнг ҳам учаверадиган ушбу ҳаво кемаси тезлик борасида ёниги билан ишлайдиган самолётларга нисбатан анча секин парвоз этса-да, мутахассислар унинг келажагига ишониммоқда. Лайнер 500 километр масофани 13 соатда босиб ўтиши мумкин. Олдий самолётга эса бунинг учун 1 соат кифоя. Яқин келажақда лойиҳа муаллифлари самолётни Атлантика океани устидан олиб ўтишни режалаштиришмоқда.



Дарҳол уйингизни ижарага беринг

Францияда жорий қилинган янги солиқ тури фуқароларни шунга мажбур қилмоқда. Унга кўра, ўзлари яшаб турган уйдан ташқари иккинчи уйини ижарага бермасдан, захирада сақлаётган фуқаролар давлатга қўшимча солиқ тўлашлари шарт. Ҳукумат вакилларининг фикрича, 2012 йилнинг 1 январидан кучга кирадиган мазкур қонун ҳисоб-китобларга кўра мамлакат бюджетига ҳар йил 176 млн. евро тушум олиб келади.



Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.



ХОАТБ «Asia Alliance Bank»даги омонатлар турлари

Миллий валютадаги омонатлар турлари

Омонат турлари	Муддати	Йиллик фойзи	Бошланғич бадал	Имтиёзлар	Омонатлар турининг тўлиқ шартлари
Муддатли «Альянс-Табтил»	90 кун	18 %	—	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида берилади.
Муддатли «Альянс-Бахт»	180 кун	20 %	—	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида берилади.
Муддатли «Альянс-Фаровон»	270 кун	22 %	—	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида берилади.
Муддатли «Альянс-Орзу»	365 кун	23 %	—	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида берилади.
Муддатли «Альянс-Тараққиёт»	30 кундан 365 кунгача	- 30 кундан 60 кунгача 18 % - 61 кундан 90 кунгача 19 % - 91 кундан 180 кунгача 20 % - 181 кундан 270 кунгача 21 % - 271 кундан 365 кунгача 22 %	—	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида берилади.
Муддатли «Альянс-Ешлик»	1 йилдан 3 йилгача	18 %	—	—	Омонат 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга очилади. Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз муддат охирида берилади. Қўшимча бадал қабул қилинади.
Муддатли «Баҳор»	6 ой	24 %	—	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида берилади.
Муддатли «Бахтли Авлод»	3 ой	24 %	—	—	Омонат бўйича фойзлар муддат бошида бўнак тарзида берилади. Омонат 2011 йил 1 июндан 31 августгача қабул қилинади.


Чет эл валюталаридаги омонатлар турлари

Омонат турлари	Муддати	Йиллик фойзи	Бошланғич бадал	Имтиёзлар	Омонатлар турининг тўлиқ шартлари
АҚШ долларларида «Кафолат»	3 ой	4,5 %	1000\$	—	Омонат бўйича фойзлар бўнак тарзида УЗР МБ курси ҳисобидан сўмда берилади.
АҚШ долларларида «Суғдиёна»	6 ой	5 %	1000\$	—	Омонат бўйича фойзлар ҳар ойда бўнак тарзида УЗР МБ курси ҳисобидан сўмда берилади.
АҚШ долларларида «Холис»	1 йил	6 %	500\$	—	Омонат бўйича фойзлар ҳар чоракда бўнак тарзида УЗР МБ курси ҳисобидан сўмда берилади.
ЕВРОда «Люкс»	5 ой	4 %	500\$	—	Омонат бўйича фойзлар муддат бошида бўнак тарзида УЗР МБ курси ҳисобидан сўмда берилади.
АҚШ долларларида «Тезкор»	30 кундан 90 кунгача	3 %	100\$	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида АҚШ долларларида берилади.
АҚШ долларларида «Ниҳол»	3 ой	4 %	500\$	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида АҚШ долларларида берилади.
АҚШ долларларида «Барака»	6 ой	5 %	500\$	—	Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз ҳар ойда ва муддат охирида АҚШ долларларида берилади.
АҚШ долларларида «Келажақ»	1 йил	6 %	500\$	—	Омонат бўйича фойзлар ҳар чоракда ва муддат охирида АҚШ долларларида берилади.
АҚШ долларларида, ЕВРОда «Болажон»	1 йилдан 15 йилгача	6 %	500\$	—	Омонат 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга очилади. Омонат бўйича фойзлар капитализациясиз муддат охирида берилади.

Фуқароларнинг бандаги жамғармалари давлат томонидан кафолатланган Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Фуқароларнинг бандаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.

Байрам тараддуди

ҲАР КУНИ ЎРТА ҲИСОБДА 200 МИНГ ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ЖАМОАСИ ҲАМ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИК ТЎЙИГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА



Энг улуг ва энг азиз байрамимиз арафасида метрополитеннинг иқтисодий-техник кенгаши вагон ва бекатлардаги рекламаларни тартибга солиш, аниқроғи, эскилари ўрнига шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун табрик ва қутловларни жойлаштиришга қарор қилди. Бундан ташқари, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар

бир бекатга кузатув камералари ўрнатилди бошланди. — Метро хизматидан фойдаланувчи йўловчилар ҳар куни фақат касса ва бекат платформаларини кўрадилар, холос. Аммо метрополитеннинг бир-биридан чиройли «қаср»ларини ёруғ ва озода, шунингдек, 40 километр узунликдаги йўлларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш учун

минг нафардан ортиқ ходим асосан тунда ишлашни, бекатлардаги ҳароратнинг қишин-ёзин белгиланган меърада сақланиши, улкан насослар ёрдамида йилга ўртача 5,5 миллион тонна ер ости сувларининг тортиб олинишидан хабардор бўлмасалар керак, — деди брифингда «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси раҳбари Баҳтиёр Содиқов. — Фуратдан фойдаланиб, йўловчиларни яна бир янгиликдан хабардор қилмоқчиман. Ҳадемай метро бекатларида пластик карточкалардан фойдаланиш йўлга қўйилади. Матбуот анжуманида журналистлар саволларига жавоб қайтарган корхона раҳбари метрополитеннинг бир неча бекати ёпилиши ҳақидаги интернет хабарлари мутлақо асоссиз эканини, аксинча, ер ости йўли қурилиши бир меърада давом этаётганини маълум қилди.



Интернетга уланиш арзонлашди

Мамлакатимизда фаолит кўрсатилган интернет провайдерларининг глобал тармоқда уланиш ҳамда тизимдан фойдаланиш учун оладинган хизмат ҳақи 10 фоиздан 50 фоизгача арзонлаштирилди. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизматидан олинган хабарга кўра, 2010 йил мартда мазкур қўмита Молия вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон» акциядорлик компаниясининг интернетдан фойдаланиш учун белгиланган нарслар тарифини қайта кўриб чиқиб, истеъмол қилинган каналлар ҳажмидан қатъий назар, ягона нарх белгилашни мақсадга мувофиқ деб топди. Натияжада, 2011 йилдан «Sharq Telekom» интернет провайдерини юридик шахслардан 2010 йилга нисбатан 44 фоиз кам ҳақ ола бошладилар. «East Telecom» провайдерини эса 64 кбит/сек тезликдаги чексиз трафик учун белгиланган абонент тўловини 35 фоизга арзонлаштирди.

Чорвоқда микроолиялаш муҳокама этилди

Тошкент вилоятидаги «Чорвоқ оромгоҳи» дам олиш марказида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг «Микроолиялаш тизими ривожланишини қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳасига мувофиқ Германия Халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) микроолиялаштиришни ривожлантириш минтақавий лойиҳаси кўмагида микроолиялаштириш соҳасини тартибга солишни қўллашга кириштирилган ўзгартириш ва қўшимчалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Марказий банк ахборот хизматидан хабар қилишларича, талбирда Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этган.

Qishloq Qurilish Bank

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА БАНК ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАР АСОСИДА МОЛИЯВИЙ КЎМАК БЕРИШ БОРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДА

**“Энг яхши инновацион лойиҳа”,
“Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”,
“Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”,
“Энг яхши ёш тадбиркор”,
“Энг яхши аёл тадбиркор”,
“Энг яхши инвестицион лойиҳа”
номинациялари бўйича кўрик-танлов эълон қилинади.**

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:		
1.	Танлов иштирокчиси	Кўрик-танловда қатнашиш учун арива берилган қўшма ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари.
2.	Бизнес-режаларни қабул қилувчи	ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг барча минтақавий ва туман филиаллари
3.	Ҳужжатларни тақдим этиш муддати	2011 йил 1 июлгача
4.	Танлов гўлибларини эълон қилиш муддати	Мустақиллик байрами арафасида
5.	Ютуқлар	Танлов гўлиблари махсус диплом, қўшимча соғалар билан тақдирланади ҳамда банк кредитларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини қўлга кўрилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:			
Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(361) 223-72-19, 770-61-66	Самарқанд минтақавий филиали	(366) 221-57-55, 210-02-56
Андижон минтақавий филиали	(374) 225-80-49, 298-04-55	Сурхондарё минтақавий филиали	(376) 227-51-67, 770-83-65
Бухоро минтақавий филиали	(365) 223-58-86, 770-00-80	Сирдарё минтақавий филиали	(367) 225-22-70, 221-00-60
Жиззах минтақавий филиали	(372) 223-55-08, 771-63-33	Тошкент вилоят минтақавий филиали	(371) 252-27-20, 150-79-10
Қашқадарё минтақавий филиали	(375) 223-18-85, 223-10-73	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(371) 236-70-60, 150-77-02
Навоний минтақавий филиали	(436) 224-98-01, 770-27-95	Фарғона минтақавий филиали	(373) 222-56-64, 222-82-01
Наманган минтақавий филиали	(369) 223-04-35, 223-04-33	Хоразм минтақавий филиали	(362) 227-27-90, 770-43-80

**Қўшимча маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
100060, Тошкент шаҳри, «Шаҳрисабз» кўчаси, 36.
Телефон: (+99871) 150-76-57, 150-76-45
Ахборот маркази: (+99871) 150-39-93, 150-93-39
www.qishloqqurilishbank.uz**

Йодомарин®
Калия йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - это препарат калия йодид 131 мг (что соответствует 100 мг йода). Йодомарин® 200 - содержит калия йодид 262 мг (что соответствует 200 мг йода).

Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний (для предотвращения йоддефицитных заболеваний и профилактики йода у людей, проживающих в районах с дефицитом йода в окружающей среде, в первую очередь у детей, подростков и беременных женщин). Лечение диффузного токсического зоба.

Дозировка и профилактическая доза: Взрослым и детям - 50-100 мг в сутки, подростки и взрослые - 100-200 мг в сутки, беременные женщины и кормящие грудью - 200 мг, после операции по поводу зоба или после окончания йоддефицитного периода зоба - 200 мг в сутки, пожилые женщины - 100-200 мг.

Противопоказания: При индивидуальной непереносимости; при легком гипотиреозе в дозах, превышающих 150 мг йода в сутки; при тяжелой болезни; при беременности и диффузном токсическом зобе; при приеме йода при беременности в дозах от 300 до 1000 мг йода в сутки (за исключением профилактической дозировки); при приеме йода при беременности по Глимеру; при индивидуальной непереносимости; при индивидуальной непереносимости йода; при приеме йода при беременности в дозах от 300 до 1000 мг йода в сутки.

Формы выпуска: Йодомарин® - таблетки 100, 200 мг по 100 в упаковке.

Б-210-95 N 14002, 29.02.06 Б-250-95 N 10001, 29.02.06

BERLIN - CHEMIE MENARINI

Називин®
ОКСИМЕТАЗОЛИН
для носов и носиков

Показания

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационное удостоверение (14-042) №04832; Б-210-06 №08198
Отпускается без рецепта врача
Осуществлено в аптеках
Имеется противопоказание.
Перед применением проконсультируйтесь с врачом.

Мерк КГА Германия для Никомед
Товар сертифицирован

Новый дизайн упаковки Називин

- Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
- Обладает продолжительностью действия до 12 часов
- Производится в Германии